

тилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланади.

Бундан ташқари, 2022 йилнинг февраль ойида жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судида бўлиб ўтган суд мажлисида Б. фирибгарлик жиноятини яна қайтадан содир этганлигига тўлиқ икдорлигини билдириб, ўз кўрсатмасида 2019 йил сентябрь ойида, фуқаро С.нинг ишончига кириб, Сирғали туманидан куриллаётган янги уйлардан арзон нархга олиб беришни ваъда қилиб, ундан 3.500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади. С. ундан пулни қайтаришни сўраса, эрта, индин деб алдашни давом эттиради. Худди шундай 2020 йилнинг март ойида Ж.дан 2.000 АҚШ доллари, 2021 йилнинг февраль-март ойларида Г.дан 2.000 АҚШ доллари, У.дан 16.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундай енгил даромад топишни ўрганиб олганидан хурсанд бўлиб, йиллар давомида йиғиниб, ўзига ёки уйлантирган ўғлига уй-жой қилишни орзу қилиб юрган инсонларни кидириб топиш ва орзуларини саробга айлантиришда ҳеч ҳам виждони азобланмади.

Суд мажлисида Б.дан “Уй олиб бераман деб ваъда берганингизни қандай тушуниш мумкин? Арзон нархда уй олиб бериш ваколатингиз бормиди?” деган саволга, у “Менда бундай ваколат йўқ, арзон уйларни олиш учун ҳокимиятга мурожаат қилинса, комиссия ўрганиб чиқиб, қўп қаватли уйлардан квартира беришлари мумкин,

мен уларга ўша комиссия билан келишиб қўйганлигим учун мурожаат қилишларини таъкидлаб, мабодо иш ҳал бўлиб қолса, мен қилдим деб айтардим ва бошқа арзон уй олувчиларни алдашда буни қўлимдан келишини исботи сифатида далил келтирардим, аслида комиссияга мурожаат қилинса, менсиз ҳам иш ҳал бўлиб кетарди”, деб кўрсатма бериб ўтади.

Суд барча иш ҳолатларини синчиковлик билан пухта ўрганиб, ҳужжатларни тафтиш қилиб, кўрсатмаларни тинглаб, унинг содир этган қилмишларидан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган барча зарар миқдорлари тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, судланувчинини қайта тарбиялаш учун муносиб бўлган жазо тайинлади.

Таъкидлаш жоизки, қўп қаватли арзон уй-жойларни сотиб олишнинг тартиби ҳақида давлат органлари, шу жумладан, маҳаллаларда ҳуқуқий тушунтиришлар олиб борилса-да, баъзиларнинг фирибгарлар найрангига учиб йиллар давомида мисқоллаб йинган маблағларини бир сонияда бутунлай беғона инсонга бериб юборишига хайрон қолади киши.

Ҳақли савол туғилади, нимага конун ҳужжатларини ўрганмаймиз? Ҳар бир шахс ва унинг мулкни конун ҳимоясидалигини унутмаслигимиз керак.

**Ф.ШУКУРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Тошкент  
шаҳар  
Сирғали туман суди судьяси,

**А. КАХРАМОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар  
олий мактаби Жиноят ҳуқуқи йўналиши  
магистранти

## КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш бора-сида кенг қўлланма чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, электрон ҳужжат айланиши тизимлари такомиллаштирилмоқда, электрон тўловлар ва ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатадиган рақамли иқтисодиёт жадал ривожлантирилмоқда, электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда, «Блокчейн» технологиялари (маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари), «сунъий ақл», суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, крипто-активлар бўйича фаолият кенгаймоқда.

Бироқ, ушбу ислохотларга тўғонақ бўлаётган хавфнинг мавжудлиги бу борада зарур чоралар кўришни тақозо этади. Ушбу хавф-хатарлар ичида кибержиноятчилик ўзининг кенг қўлланма ва бартараф этиш имконсиз бўлган зарар келтириши билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам киберхужумлар сони ортиб бормоқда. Мамлакатда 2019 йил бошидан буён ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ 8 миллионга яқин ҳолат қайд этилган бўлиб, уларнинг бир қисми юқори хатарга эга бўлган.

Рақамларга эътибор берайлик; ҳар йили 556 млн.дан 1,5 млн.га яқин инсонлар кибержиноятчиликнинг қурбони бўлишмоқда ва улар кўрадиган зарар 110 млрд доллардан ортиб бормоқда. Статистик маълумотларга қараганда, киберхужумлар сони 2019 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон аҳолисининг 17 фоизини, иккинчи чорагида эса 26 фоизни қамраб олган.

Бу эса, соҳада олиб борилаётган ислохотларни янада ривожлантириш-

ни, кибержиноятчиликдан Ўзбекистон иқтисодиётини муҳофаза қилиш зарурлигини кўрсатади. Энг ачинарли ҳолат шунки, «Apple», «Google» ва «Facebook» каби йирик компанияларнинг билдиришича, рақамли технологияларни мураккаб шифрлаш зарур ва бунда уларни шифрлаш енгиллаштирилгудек бўлса, киберхужумлар ортиб, шахсий маълумотлар йўқолиши ҳолатлари кўпаяди. Ўғирланган маълумотлардан дўстона муносабатда бўлмаган хорижий давлатлар махсус хизматлари фойдаланиши ҳам мумкин.

Киберхужумларнинг ўзга мамлакат ҳудудидан туриб ҳам содир этилиши мумкинлиги, рақамли технологияларнинг хавфсизлигини таъминловчи портлар ва серверлар ўша мамлакат ҳудудидан жойлашганлиги зарарларни янада кўпайтиради.

Жумладан, «Telegram», «Facebook» ва бошқа тармоқларнинг сервери ўзга давлат ҳудудидан жойлашганлиги сабабли ҳам киберхужумнинг олдини олишни қийинлаштиради. Четдан туриб киберхужумни амалга оширган шахсларни аниқлаш имконсиздир, айбдор шахсларни топиш учун ушбу мессенжерларнинг муаллифларидан розилик сўралса, улар шахсга тегишли маълумотлар ошкор этилмаслигини таъминлаш мақсадида сўралган маълумотларни беришдан воз кечадилар. Оқибатда, шахс, жамият ва давлат манфаатларига жуда катта зарар етади.

Шу сабабдан ҳам мазкур хавф-хатарларга қуралиш учун бир қатор ислохотларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни асосида киберхавфсизликни таъминлаш

ва кибержиноятчиликка қарши курашиш, киберхукукбузарликларни бартараф қилиш бўйича ўрта мулдатга мўлжалланган ягона миллий стратегия ишлаб чиқирилиши, у асосида эса ҳар йили киберхавфсизликни таъминлаш бўйича концепция яратиб унда қайд этиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш бўйича давлат дастурлари ва «йўлхарталари»ни амалиётга таъбиқ қилиш зарур.

Жаҳон мамлакатларида аллақачон, киберхужумдан ҳимояланиш бўйича зарур қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, Германия, Буюк Британия, Канада, Литва, Люксембург, Нидерландия, АҚШ, Эстония, Япония, Хитойда стратегия ва ҳукумат ахборот тизимларини киберхужумлар ва кибертерроризмдан, Словакия, Франция, Чехия, Литвада маълумотлар ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича алоҳида қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Дунёда кибержиноятчилик тобора хавфли тус олиб, қунига 200 мингдан ортиқ содир этилмоқда, жисмоний ва юридик шахсларга 500 млрд.га яқин мулкий зарар етказилмоқда. Биргина мисол, 2016 йилда Juniper Research томонидан ўтказилган тадқиқотда, 2019 йилга келиб, компьютер жиноятчилигидан етказиладиган зарар 2,1 трлн долл. дан ортиб кетиши мумкинлиги ва ҳар ойда содир этилаётган жиноятлар 10-15% га ортиб бораётганлиги, бунга қарши аниқ тактик режалар, яъни стратегия ишлаб чиқирилиши зарурлигини кўрсатади. Хусусан, Украина, АҚШ, Эстония, Литва, Испания, Германия, Словакия, Япония, Швейцария, Норвегия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Австралия, ЖАР, Канада, Финландия, Австрия, Руминия, Польша, Франция, Чехия, Нидерландия, Люксембург ва бошқа давлатларда стратегиялар қабул қилинган.

Зарур ислохотларни амалга ошириш орқалигина мамлакатимизга бўлаётган ки-

берхукукларни бартараф қилиш мумкин.

Киберхукукбузарликлар ва кибержиноятчилик бўйича айбдорларни аниқлаш, уларни жавобгарликка тортиш механизмлари Ўзбекистон қонунчилигида кўрсатиб ўтилмаган. Жиноят кодекси ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги, киберхужумнинг ўзга давлат ҳудудидан туриб содир этилганлиги ҳолати билан боғлиқ муаммолар қонунчилигимизни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Мамлакатда киберхавфсизликка қарши курашиш чораларини янада кучайтириш мақсадида Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят-ижроия Кодекслари қайта кўриб чиқирилиши ва ушбу кодексларда кибержиноятчилик тушунчаси, турлари, улар бўйича суриштирув, дастлабки тарғов, суд тарғовини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари вабошқа муҳим қондалар белгиллаб қўйилиши зарур.

Давлат идораларининг расмий ижтимоий тармоқларини миллийлаштириш ва миллий контентни тубдан такомиллаштириш чораларини кўриш, бунда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ролини ошириш ҳам муҳим.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли қарори билан қуйидагилар рақамли иқтисодиётнинг энг устувор вазифалари этиб белгиланди:

- инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланиши соҳасидаги фаолиятни, жумладан, майнинг (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғинмалари форматида муқофот олиш имконини бе-

радиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият), смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, саклаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, «блокчейн» технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш;

- «блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалий иш қўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш;

- крипто-активлар бўйича фаолият ва «блокчейн» технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, рақамли иқтисодиётда лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун «блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;

- хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда «блокчейн» технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш;

- рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион гоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш.

Мазкур устувор вазифаларюқоридаги ислохотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади ва бунда соҳада ягона давлат бошқарувини белгилаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизликни

тартибга солиш соҳасида вақолатли орган ҳисобланади, аммо Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони талаблари бўйича Давлат хавфсизлик хизмати давлат бошқаруви органига кирмаслиги, шунингдек, кибержиноятчилик ва киберхукукбузарлик бўйича давлат бошқаруви органи хали-ҳануз белгиланмаганлигини, Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси «Киберхавфсизлик маркази» ДУК билан биргаликда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва идораларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлиги ҳолатини назорат қилиш, мониторинг қилиш, ўрганиш ва текширишни амалга оширишини, Жинояткодексининг XX1 боб-Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тарғов қилиш бўйича Жиноят-процессуал кодекс да аниқ тартиб белгиланмаганлиги бу борада ҳам ислохотларни амалга оширишни тақозо этади.

Бинобарин, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ёки Ички ишлар вазирлигини кибержиноятчилик ва киберхавфсизлик соҳасида ягона давлат бошқаруви органи этиб белгилаш, бунда техник чораларни кўриш бўйича мамлакат киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш вазифасини ДХХга юклаш, «Ўзкомназорат»ни бу борадаги ишларга қўмаклашувчи орган сифатида белгилаш таклиф қилинади.

Халқаро тажрибага назар ташласак, ҳақиқатан ҳам чет давлатларда кибержиноятчилик билан курашувчи алоҳида



органлар мавжуд. Хусусан, Эстониянинг Таллин шаҳрида кибержиноятчиликни ўрганиш ва тадқиқ қилиш бўйича марказ барпо этилган, АҚШда эса АҚШ Куролли кучлар таркибидаги Киберхавфсизлик бўйича миллий марказ ((National Cyber Security Center) бу борадаги масалалар билан шуғулланади.

Фикримизча, бу соҳада ягона давлат

бошқаруви органини белгилаш орқали бир қатор муаммолар ҳал этилиши мумкин.

**А.АНОРБОВЕ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ахборот  
технологиялари ва коммуникацияла-  
рини ривожлантириш вазирлиги юри-  
дик бўлим бош юрисконсулти

Абдулла Арипов: «Ўзбекистонда ҳам киберхужумлар кўпайиб борапти». Ўзбекистон бош вазир Абдулла Арипов Москвада ўтган «Очиқ инновациялар» халқаро форумининг ялпи мажлисидаги нутқидан. 22.10.2019 й., <https://kun.uz/news/2019/10/22/abdulla-aripov-ozbekistonda-ham-kiberhujumlar-kopayib-boryapti>.

Vince E.A. Challenges in digital forensics // Police practice and research –Taylor & Francis online: An international journal. – L.; N.Y., 2016. – Vol. 17, N 2. – P. 184.

Эксперт: 26% пользователи Узбекистана столкнулись с кибератаками. <https://podrobno.uz/cat/tehnp/ekspert-26-polzovateley-uzbeki/>.

Ш.Саттаров. ЕИ компанияларини шифрланган ахборотни ҳукуматга «очиқ ҳолда» тақдим қилишга чалғирмоқда. 08.04.2016 й., <https://www.terabayt.uz/post/ei-kompaniyalarni-shifrlangan-axborotni-hukumatga-ochiq-holda-taqdim-qilishga-chaqirmoqda?page=11&per-page=10>.

Warren G. Kruse, Jay G. Heiser (2002). Computer forensics: incident response essentials. Addison-Wesley. – p.392.

Steve Morgan (January 17, 2016). «Cyber Crime Costs Projected To Reach \$2 Trillion by 2019». Forbes. Retrieved September 22, 2016.

Х.Р.Очлов. Ўзгалар мулкнинг компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик. Монография // – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2017. – 6.22.

Ушбу стратегиялар фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон қарори // Қонунийлик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси-lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ-4452-сон қарори // Қонунийлик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси-lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини тақомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони // Қонунийлик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси-lex.uz.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Қонунийлик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси-lex.uz.

Градов А. Деятельность Североатлантического союза в сфере кибербезопасности / А. Градов // За рубежом

военное обозрение. 2014. № 7. – С. 13–16.

Берд К. Война со многими неизвестными / К. Берд // Компьютерра. 2009. № 20. – С. 26–29.

## 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни АЁЛ СУДЬЯЛАРГА БАҒИШЛАНАДИ

*Аёлсиз, пойида чечаклар унган,  
Хаёلسиз, руҳимни зуллатган масрур.  
Опасиз, опасиз, сингилсиз, ёрсиз,  
Биз учун ҳаммиси ифтихор, гурур.*

*Хаётда йўллар кўп, бурилишлар кўп,  
Синовлари бисёр кўҳна дунёнинг.  
Аммо, сиз мардона юрасиз доим,  
Кирк битта жони бор дея аёлнинг.*

*Танлаган касбингиз асли машаққат,  
Турфа кечмишларга бўласиз ошно.  
Дунёга дил бериб адашганларга,  
Фақат тўғри йўлни кўрасиз раво.*

*Бунда ҳақиқатни очмоқлик қийин,  
Бунда адолатни тиклаш саботдир.  
Бироқ, урдадайсиз зукколик билан,  
Сабр-тоқатингиз сизга қанотдир.*

*Гоҳо жанглار ичра отасиз ўзини,  
Мурса билмайди «уруш-урушлар»  
Ҳақиқат нелигин қайданам билсин,  
Йўлингиздан чиққан кўнгилфурушлар.*

*Бироқ, ҳаётингиз бари бир яхши,  
Асло нолимайсиз тақдир азалдан.  
Яхшиям сиз борсиз, сиз борсиз деймиз,  
Миннатдор бўламиз сиздай онадан!*

*Бугун бахтли кундир, энг чиройли кун,  
Байрамга арзийсиз ҳар кун асли,  
Сизга таъзимдамыз, ардоғимизсиз,  
Эй Бибиҳонимлар, Тўмарис насли...*

**Махбуба АҲМЕДОВА,**  
Фарғона вилояти  
телерадиокомпанияси  
радиобойловчиси

